

Аллоҳнинг наздида энг ҳурматли тақводорлардир



15:17 / 08.02.2018 3591

У Зотнинг «Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида ҳурматлироғингиз тақводорроғингиздир» деган қавли ҳақида сўраб: «Тақводор оз илм билан тақвоси бўлмаган кўп илмли олимдан афзал бўладими?» дебсан.

Билки, албатта, тақвоси кўп бўлмаган киши олим эмасдир. У китобларнинг ҳаммолидир. Аллоҳ Танзилида демишдир:

«Устларига Таврот юклатилиб, сўнгра уни кўтармаганлар худди устига китоб юкланган эшакка ўхшарлар...»^[1]

Мужоҳиддан ривоят қилинади: «Фақат Аллоҳдан қўрққангина олимдир».

Уламолар уч турлидир:

–Аллоҳни билувчи, лекин Аллоҳнинг амрини билмайдиган. Бундай одам ўзи билан ўзи оворадир.

– Аллоҳни ҳам, Унинг амрини ҳам билувчи. Бундай одам комилдир.

– Аллоҳнинг амрини билувчи, лекин Аллоҳни билмайдиган. Бундай кишига «олим» деган ном Аллоҳнинг аҳкомларини билгани учунгина лозим бўлди. Агар у Аллоҳ ҳақида жоҳил бўлса, илм уни куйдиради, чунки у бу илм билан кибрга кетади, раҳбарликни талаб қилади ва у билан дунёнинг қолдиқларини ейди.

«Фарзда риё йўқ, унинг фақат ҳусни ва зийнати бор» деган кимсанинг қавли ҳақида сўрабсан.

Фарзни ҳамма бажаради. Қандай қилиб ҳамма бажарадиган нарсада риё қилиш мумкин?! Улар уни қилишда баробардирлар. Нима учун риё қилинади? Барчалари айна шуни бажарувчилар-ку! Риё фақат унинг зийнати ва ҳуснида бўлади. Агар киши фарзда ана шу зийнат ва ҳуснни ишлатса, риё ўшанда бўлади, фарзнинг ўзида эмас.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф

(Сарахс аҳли сўраган масалалар китобидан)

[\[1\]](#) Жума сураси, 5-оят.